

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР УЛАРНИ ЖАМИЯТГА МОСЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Холикулова Хулкар Юлдашевна,
Жиззах Политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий
фанлар” кафедраси доц.в.б.

Кулматов Пиримкул Меликўзиевич,
Жиззах Политехника институти “Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий
фанлар” кафедраси доценти

For citation: Khulkar YKhalikulova., Pirmkul M.Kulmatov. Increased attention to the development of education of children with disabilities as an important factor in their integration into society. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 100-110.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-12>

Келибтушгансана 5 август, 2019
Эълонқилингансана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада алоҳида эҳтиёжли болалар таълимининг турлари ва унинг узлуксизлигини таъминлаш механизмларига аҳамият қаратилган. Муаллиф томнидан аввало алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим турлари, яъни ихтисослаштирилган мактаб-интернатлардаги ва янги таълим усули – инклюзив таълим турининг кириб келиши жараёни жорий архив ва архив манбалари асосида таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Инклюзив таълим, ихтисослаштирилган мактаб интернатлар, имконияти чекланган болалар, кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, руҳий ривожланиши сустлашган болалар.

ПОВЫШЕННОЕ ВНИМАНИЕ К РАЗВИТИЮ ОБРАЗОВАНИЯ ДЕТЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ КАК ВАЖНОГО ФАКТОРА ИХ ИНТЕГРАЦИИ В ОБЩЕСТВО

Халикулова Хулкар Юлдашевна,

Доц. кафедры «История Узбекистана и общественные науки

Кулматов Пиримкул Меликўзиевич,

Доц. кафедры «История Узбекистана и общественные науки

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются виды обучения особо нуждающихся детей и механизмы обеспечения его непрерывности. Автором анализируется образование особо нуждающихся детей, то есть процесс внедрения метода обучения в специализированных школах-интернатах и нового способа обучения в процессе «инклюзивного» образования на основе материалов текущего архива и архивных источников.

Ключевые слова: Инклюзивное образование, специализированные школы-интернаты, дети с ограниченными возможностями, незрячие, слабовидящие, глухие и слабослышащие, умственно отсталые дети.

INCREASED ATTENTION TO THE DEVELOPMENT OF EDUCATION OF CHILDREN WITH DISABILITIES AS AN IMPORTANT FACTOR IN THEIR INTEGRATION INTO SOCIETY

Khulkar Y.Khalikulova,

Senior lecturer of department

«History of Uzbekistan and social sciences»

Pirimkul M.Kulmatov,

Senior lecturer of department

«History of Uzbekistan and social sciences»

ANNOTATION

This article discusses the types of education of children in need and the mechanisms for ensuring its continuity. The author analyzes the education of especially needy children, that is, the process of introducing the teaching method in specialized boarding schools and the new way of teaching in the process of “inclusive” education based on materials from the current archive and archival sources.

Key words: Inclizive education, specialized boarding schools, children with disabilities, blind, visually impaired, deaf, hard of hearing, retarded.

Ёш авлоднинг таълим-тарбиясига бўлган эътибор ҳар бир давлатнинг келажагининг муҳим пойдевори ҳисобланади. Шу боисдан болалар таълимини ривожлантириш ва уларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор даражасига кўтарилди. Юртимизда ривожланишида муаммолари бўлган болаларнинг ҳам барча соғлом тенгдошлари қатори миллий руҳда тарбияланишлари, ақлий, ахлоқий, жисмоний жиҳатдан камол топишлари, жамиятдаги ижтимоий ҳаётга мустақил етук фуқаролик даражасида тайёр бўлиб етишишлари масалаларига алоҳида аҳамият бераётганлиги барчамизга маълум.

Бунинг учун қонунчилик тизими ташкил қилинган. Хусусан, 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва худди шу йили ушбу қонун асосида ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» барча болаларнинг таълим олиш имкониятларини кафолатлаб берса, 2003 йилда ишлаб чиқилган «Таълим ҳамма учун» Миллий дастур режаси ва 2005 йилда қабул қилинган «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун Инклюзив таълим тўғрисидаги муваққат Низоми», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун, «Фаоли инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 2 августдаги «Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳам бевосита имконияти чекланган болалар таълимини ривожлантиришга асос бўлади. Хусусан, «Ўзбекистонда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги [1,233] Қонуннинг 16-моддасидан 26-моддасигача бўлган бутун бир боби, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 23, 25, 29-моддаларида имконияти чекланган болаларнинг барча болалар қатори мактабгача, мактаб ва ўрта махсус таълим олишларида тенг ҳуқуққа эгаллиги ва уларнинг таълим олиши учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилиши кафолатланган[2,5].

МДХ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда таълим даражаси кўрсаткичи жуда юқори. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,99 ни ташкил этса, айни пайтда дунёда бу кўрсаткич 0,77 ни ташкил қилади. Ўзбекистон таълим кўрсаткичи бўйича Европа иттифоқи таркибига

кирадиган Мальта (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг саноати энг ривожланган мамлакати Коста Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,87) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), БАА (0,71), шунингдек иқтисодий ва техник ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда[3,28] туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида ҳам барча фуқаролар учун умумий ўрта таълим олиши кафолатланган [4,8]. Бизнинг мамлакатимизда айни пайтда 9680 та умумий ўрта таълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда жами 4808058 нафар ўқувчи тахсил олади. Умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида имконияти чекланган болалар 26836 нафарни ташкил этади. Республикаимизда жами 18676 нафар ўқувчи учун 88 та махсус мактаб, мактаб интернатлар[5,1], (шулардан кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга мўлжалланган 14 та махсус мактабларда 1240 нафар бола, 17 та кар ва заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган махсус мактаб интернатларда 2706 нафар бола тахсил олади) фаолият юритади[6.].

1996 йилдан бошлаб алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим тури кириб келди. Ушбу таълим усули дунё мамлакатларида 1990 йиллардан жорий қилинаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳам 1996 йилдан бошлаб жорий қилина бошлади[7,12]. Ушбу таълим тизимини амалиётга татбиқ этиш Халқ таълими вазирлиги билан Юнесконинг ҳамкорлигида амалга оширилди[8,3].

Шу асосда, 1996 йилда 34 нафар бола инклюзив таълимга жалб қилинган бўлса, 2014 йилга келиб улардан 2890, 2018 йили 2990 нафари инклюзив таълимга ихтисослаштирилган мактабга боради[9,1].

Инклюзив таълим инглиз тилидаги inclusion яъни «қамраб олиш» сўзидан олинган бўлиб, имконияти чекланган болалар ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқни бартараф этиш деган маънони англатади[10,11]. Соддароқ қилиб айтганда «инклюзив таълим бу ривожланишда нуқсонни бор болалар ва ўсмирларни соғлом тенгдошлари билан биргаликда таълим олиши ва умумий таълимда қўшилиб ўқишини англатади[11,49].

Аммо Ўзбекистон шароитида инклюзив таълимга асосан енгил кўринишдаги ногиронликка эга бўлган болалар жалб қилинмоқда. Оғирроқ кўринишдаги ногиронликка эга бўлган болалар бўлса, кўпроқ ихтисослаштирилган ёки яқка тартибдаги уйдаги таълимга жалб қилинади. Тиббий —психологик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда жисмоний ёки руҳий ривожланишларида нуқсонли бўлган болаларнинг ота-оналари ўз ҳоҳиш истагига кўра ҳамда боланинг қизиқиш-

ларидан келиб чиққан ҳолда таълим муассасаси турини (яъни инклюзив ёки ихтисослаштирилган) танлаш ҳуқуқига эга [12,1].


Бугунги кунда ногиронлиги бор болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг сони эса, саксон саккизтани ташкил қилиб, саккизта турга бўлинади. Мазкур муассасаларда 8 турдаги: кузи ожиз, заиф кўрувчи, кар ва заиф эшитувчи, ақли заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, таянч ҳаракати аъзолари шикастланган, нутқида мураккаб нуқсонни бўлган болалар таълим-тарбия оладилар.

Бундан ташқари, мамлакатимизда йигирма битта санаторий туридаги мактаб-интернат мавжуд бўлиб, 5756 нафар болалар таҳсил оладилар. Бундай таълим муассасаларида сколиоз билан касалланган, сил ва нафас олиш органларининг сурункали хасталикларида чалинган болалар даволаниш ҳамда махсус шароитларда таълим олиш имкониятига эга. Жумладан, суяк касаллигига чалинганлар учун жами 10 та мактаб интернатда 2808 нафар ногирон болалар ва сил касаллигига чалинганлар учун 11 та мактаб-интернат бўлиб, уларда 2948 нафар ногирон болаларга ўрта таълим маълумоти берилади [13]. Сурункали касалликларга чалинган заиф болалар учун санатория типидagi 5 та мактаб-интернатда 1541 нафар бола таҳсил олмоқда [14,28].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида 49347 нафар ногирон болалар бўлиб, уларнинг 12717 нафари ихтисослаштирилган мактабларга жалб қилинган, 5513 нафар бола санатория туридаги мактаб интернатларда таҳсил олган [15,12] (Диаграмма 2.3.).

Махсус мактаб-интернатларда таҳсил оладиган болаларнинг сони*

Диаграмма.2.3.



* Диаграмма муаллиф томонидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив ва Давлат статистика қўмитаси материаллари асосида тайёрланди.

Ушбу диаграмма кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги йилларда ногирон болаларнинг туғилиши нисбатан кўпайган бўлса-да, таълимга жалб қилинган 16 ёшгача ногирон болалар сони 1991 йилда 49347 нафар бўлган бўлса [16,9], 2018 йилга келиб 74759 нафарга етди [17.] Ихтисослаштирилган мактаб интернатларга боровчи болалар 1991 йилда 12717 [18,7] нафарни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб, уларнинг сони 18520 [19] тага, 2016 йилда 18676 нафарга етганидан [20] ногирон болалар сони туғилиш нисбати ортганидан далолат беради. Шундан, санатория типидagi мактаб интернатлари сони 11 та, шундан 3 таси сил касаллигига мойил болалар учун санатория типидagi мактаб интернатлари бўлиб, унда 709 нафар бола таҳсил олган, суяк касаллигига чалинган болалар учун 9 та сколиоз касаллигига чалинган болалар учун санатория типидagi мактаб интернатда 2711 нафар бола таҳсил олган бўлса [21,6], 2016 йилга келиб санатория типидagi мактаб интернатлари сони 21 та, шундан 11 таси сил касаллигига мойил болалар учун санатория типидagi мактаб интернатлари бўлиб, унда 2948 нафар бола таҳсил олган, 2017 йилда суяк касаллигига чалинган болалар учун 10 та санатория типидagi мактаб интернатда 2808 нафар бола [22] таҳсил олади. Демак, сил касаллигига чалинган болалар сони икки баробарга ошган. Таълимга жалб қилинмаган болалар сони 1991 йилдагига нисбатан 30% га ошган. Айниқса, 2013 йил ҳолатига кўра ўқитилмайдиган ногирон болалар сони Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида кўпчиликини ташкил этган. Масалан, 2007 йилда Республикадаги жами 68928 нафар имконияти чекланган болалардан 51678 (75%) нафари умумий ўрта таълим мактабларида, 11583 (17%) якка тартибда уй шароитида таълим олганлар. 5667 нафари тиббий кўрик якунлари бўйича таълимга лаёқатсиз деб топилган бўлса, 2011 йилда жами 87861 нафар боладан 8511 нафари [23,27], 2014 йилга келиб, жами 74759 нафар боладан 7376 нафар бола таълимга лаёқатсиз деб топилган [24]. Таълимга жалб қилинмаган болалар сони 2010 йилгача ўсиб борган бўлса, 2010 йилдан 2014 йилгача камайиш динамикасига эга бўлган.

Имконияти чекланган ва умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган болалар Андижонда 880 нафар, Сурхондарёда 755 нафар, Фарғона вилоятида 682 нафар, Бухорода 663 нафар ва Самарқандда 4331 нафарни ташкил этиб, қолган вилоятларга нисбатан бир мунча юқори кўрсаткичга эга [25].

Юқорида санаб ўтилган 5 та вилоятдаги шу тоифага кирувчи болалар сони Республикадаги жами имконияти чекланган болаларни де-

ярли 50% ини ташкил этади. Бу йўналишда олиб борилаётган ишларни Андижон, Тошкент, Хоразм, Самарқанд вилоятлари, ҚҚР ва Тошкент шаҳрида қониқарли дейишга асос камдир. Республикадаги жами таълимга лаёқатсиз деб топилган болаларнинг 92,3% и юқорида тилга олинган 6 та ҳудудда қайд этилган.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, айнан шу вилоятларда имконияти чекланган, таълимга лаёқатсиз деб топилган болаларни қайта тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни реабилитация қилиш ва имкон қадар уй шароитида якка тартибда таълим олишга жалб этиш ишларини кучайтиришга эътиборни қаратиш лозимлиги кўриниб турибди [26,21]. Бу ҳолат 2013 йилга келиб Андижон, Хоразм, Самарқанд вилоятларида бир мунча яхшиланди. Айниқса, имконияти чекланган болаларни умумий ўрта таълим мактабларига ва уйда якка тартибда таълимга жалб этилишлари Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий ва Фарғона вилоятларида қониқарли йўлга қўйилган бўлиб, деярли барча шу тоифага кирувчи болаларни таълимнинг у ёки бу тури билан тўла қамраб олишга эришилган. Айниқса ихтисослаштирилган мактаб интернатларда кўзи ожиз ва қар болалар сони нисбатан ортган. Республика миқёсида таҳлил қилинганда кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар сони 1692 тадан 2540 [27] тага, қар ва заиф эшитувчи болалар сони 3026 тадан 5100 [28] тага ортди. Бунинг сабаби, умумтаълим мактабларида эшитмайдиган болаларни соғлом болалар билан бирга ўқитиш учун керакли шароит ва мутахассислар мавжуд эмас. Бундай таълим тайёрланмаган боланинг руҳий ва жисмоний ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [29,48]. Шу жумладан, интеллекти меъёрий бўлган бироқ, кўришда нуқсонли бор болаларнинг ҳам умумтаълим мактабларида таълим олиши биров қийин [30,50]. Шунинг учун ҳам бундай болалар ихтисослаштирилган мактаб интернатларда таҳсил олишни маъқул кўрадилар. Улар учун ихтисослаштирилган мактабларда барча шароитлар яратиб берилган. Имконияти чекланган болалар сонидан келиб чиққан ҳолда янгилари барпо этилди, мавжудлари таъмирланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида жуда кўп махсус мактаб интернатларнинг моддий таъминоти ва улардаги ички ҳолат талабга жавоб бермас эди. Масалан, Навоий ва Қизилтепа туманларидаги 25-26 мактаб интернатларидаги, ҳолат санитария гигиена талабларига жавоб бермаган, моддий таъмирланганлик даражаси паст бўлган [31,16] ёки бўлмасам Навоий вилоятидаги 25 сонли қар-соқов, 36-ақли заиф болалар учун мўлжалланган интернатларда стол-стуллар етишмаслиги, бола сонига қараб синф хоналари жиҳозланмаганлиги аниқланган [32,15]. Бундай ҳолатлар Қашқадарё, Сурхондарё вилоятидаги махсус

мактаб интернатларда ҳам кузатилган. Шунинг учун энг аввало ихтисослаштирилган мактаб интернатларнинг моддий таъминотини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига биноан амалга оширилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига асосан ақли заиф болалар махсус мактаб ва мактаб интернатлари учун 46083 нусха, эшитишда камчилиги бўлган болалар мактаб интернатлари учун 5564 нусха, кўзи ожиз болалар мактаб-интернатлари учун «Брайл» усулида 2740 нусха дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрланди [33,18].

Ушбу дастур доирасида Республиканинг Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларининг айрим туманларида тўлиқ, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятларида қисман бажарилди. Лекин умумий Республика бўйича олиб қараганда кўпгина чекка қишлоқлардаги ногирон болалар компьютерлар билан таъминланмай қолмоқда. Бунга сабаб уйда якка тартибда таҳсил оладиган ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналарининг ушбу дастур тўғрисида умуман маълумотга эга эмаслиги, ҳатто уларнинг уйда якка тартибда таҳсил оладиган болаларининг ҳуқуқлари ва имтиёзлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Айниқса алоҳида эҳтиёжли болаларнинг инклюзив асосда таълим олишларига тўсиқ бўлувчи энг асосий омиллардан яна бири янги қурилаётган барча мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларига кириш жойларида нишабли йўлакчалар(пандуслар)нинг мавжуд эмаслиги, спорт ва мажлислар залларига, ошхона кутубхона тўғарақлар ва бошқаларга тўсиқсиз киришга мослаштирилмаганлигидир. Умумий типдаги барча замонавий таълим муассаслари ногиронларнинг тўсиқларсиз ҳаракатлана олишларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлишлари керак.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013, 18-сон, 233-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan "On social protection of persons with disabilities in the Republic of Uzbekistan" // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2013, № 18, p.)
2. «Бола ҳуқуқлари кафолати» — Тошкент: Квинта Принт, 2008. —Б.5. (Guarantee of the Rights of the Child ”- Tashkent: Quinta Print, 2008. —P.5.)
3. Саидова Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги.

– Тошкент, 2007-2008. – Б. 28. (Saidova G. Education in Uzbekistan: supply-demand ratio. - Tashkent, 2007-2008. –P. 28.)

4. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 285-модда; 2013 йил, 41-сон, 54-модда. –Б.8 (The Law of the Republic of Uzbekistan “On Education” // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 9, Art. No. 41, 2013, No. 54 –P.8)

5. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. – Тошкент, 1.01.2017 (Actual archives of the Society of Disabled People of Uzbekistan. Information on the number of persons with disabilities in offices of the Republic of Uzbekistan in the Republic of Kazakhstan, regions and the city of Tashkent - Tashkent, 01.01.2017)

6. Абдухалилов. А. Аналитический документ, посвященный исследованию проблемам лиц с нарушением зрения. – Ташкент, 15.12.2014
Статья: www.imkoniyat.uz. Abdukhalilov. A. Analytical documentation on an acute problem, I have problems with lice with visual impairment. - Tashkent, 12/15/2014 Article: www.imkoniyat.uz)

7. YuliyaNarolskaya. Education officer How the social norms perspective can help to promote Inclusive Education in Ferghana Region of Uzbekistan. Final Paper for 2013 Summer Program on Advances in Social Norms and Social Change. UNICEF Uzbekistan. UNESCO international bureau of education. Uzbekistan inclusive education. The way of the future third Workshob of the IBE community of practise common wealth of the independent states CIS. Minsk, Belarus, 29-31 oktober, 2007. P.12.

8. Unisef.Uz country profile eng 29 July final proofed. Uzbekistan1. Definitions and stipulated rights of children with disabilities in Uzbekistan. Tashkent, 2012. P.3.

9. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Исаков. О. Информация, относящиеся к части 3 Международного пакта об экономических, социальных и культурных правах. Ташкент, 2014. (Materials current archives of the Society of invalids of Uzbekistan. Information relating to Part 3 of the International Covenant on Economic, Social and Cultural Rights. Tashkent, 2014.)

10. Шомахмудова Р. Инклюзив таълим (Халқаро ва Ўзбекистондаги тажрибалар). – Тошкент, 2011. – Б.11. (Shomaksmudova R. Inclusive education (international and experience in Uzbekistan). - Tashkent, 2011. – P.11).

11. Тенг ҳуқуқлар-тенг имкониятлар. – Ташкент: SMI-ASIA, 2011, – Б.49. (Equal rights - equal opportunity. - Tashkent: Media-Asia, 2011. – P.49.)

12. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997, 9-сон, 285-модда. (The Law of the Republic of Uzbekistan "On Education" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1997, No. 9, Art.)

13. Халқ таълими вазирлиги сайти // www.edu.uz (Ministry of Public Education // www.edu.uz)

14. Саидова Г. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. – Тошкент, 2007-2008. – Б. 28. (Saidova G. Education in Uzbekistan: supply and demand ratio. - Tashkent, 2007-2008. – P. 28.)

15. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 219-йиғма жилд. 12-варақ. (Central State Archive, M26, fund, 1 list 219 case. Page 12.)

16. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 9-варақ. (The Central State Archive, M.26, fund 1, list 358 case. Page 9.)

17. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2018 йил 1 январь ҳолатига). (Materials of the current archive of the society of invalids of Uzbekistan. Information about the disabled department of the disabled of Uzbekistan of the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent (As of January 1, 2018))

18. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 7-варақ. (The Central State Archive, M.26, fund 1, list 358 case. Page 7.)

19. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2014 йил 1 январь ҳолатига). (Materials of the current archive of the society of invalids of Uzbekistan. Information about the disabled department of the disabled of Uzbekistan of the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent (As of January 1, 2014))

20. Халқ таълими вазирлиги сайти. www.uzedu.uz. (Ministry of Public Education // www.edu.uz)

21. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 358-йиғма жилд. 6-варақ. (The Central State Archive, M.26, fund 1, list 358 case. Page 6.)

22. Халқ таълими вазирлиги интернет сайти: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосий кўрсаткичлари. 2016.08.31. www.uzedu.uz. (Ministry of Public Education website: Key indicators of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan. 2016.08.31. www.uzedu.uz.)

23. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, ногиронларни реабилитация қилиш ва протез-

лаш миллий маркази. Республикада ногиронликни 2010-2011 йил якунлари бўйича солиштирма кўрсаткичлари ва сабабларига доир илмий таҳлилий ахборотнома. –Тошкент, 2012. – Б. 27. (Ministry of Labor and Social Protection of the Population of the Republic of Uzbekistan, National Center for Rehabilitation and Prosthetics of Persons with Disabilities. Scientific and analytical bulletin on comparative indicators and causes of disability in the republic for 2010-2011. - Tashkent, 2012. –P. 27.)

24. Ўзбекистон ногиронлар жамияти жорий архив материаллари. Ўзбекистон ногиронлар жамиятининг ҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимларида ногиронлар сони ҳақида маълумот. (2014 йил 1 январь ҳолатига) ().(Materials of the current archive of the society of invalids of Uzbekistan. Information about the disabled department of the disabled of Uzbekistan of the Republic of Karakalpakstan, regions and the city of Tashkent (As of January 1, 2014))

25. Давлат статистика қўмитаси жорий архив материаллари. (Current archival materials of Goskomstat)

26. Иномова К., Убаева Г. Имконияти чекланган болаларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб вазифа // Мактаб ва ҳаёт.— Тошкент, 2007. №2(46), – Б. 21. (Inomova K., Ubaeva G. Social Security of Children with Disabilities Actual Problems // School and Life. - Tashkent, 2007. №2 (46). –P. 21.)

27. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти жорий архив материаллари. (Materials current archives of the Society of the Blind of Uzbekistan.)

28. Карлар жамияти жорий архив материаллари. Отчёт государственного бюджета на 2012 год и центра ССПО.(Materials of the Current Deaf Society Archive.Report of the state budget for 2012 and the center of the secondary vocational education system)

29. Равные права- равные возможности. – Ташкент: SIM-ASIA, 2011. – С. 4 (Equal rights - equal opportunities. - Tashkent: SIM-ASIA, 2011 . – P. 4)

30. Ўша асар. – Б. 50.

31. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 142-йифма жилд. 16-варақ. (The Central State Archive, M.26, fund 1, list 142 case. Page 16.)

32. ЎзМДА, М.26-жамғарма, 1-рўйхат, 142-йифма жилд. 15-варақ. (The Central State Archive, M.26, fund 1, list 142 case. Page 15.)

33. Халқ таълими тизимида алоҳида эътиборга муҳтож болалар таълим-тарбиясининг ташкил этилиши. Маълумотнома. – Тошкент, 2008. – Б .18. (Organization of the education of children with special needs in the public education system. Directory. - Tashkent, 2008 . –P.18.)